2006 ЙИЛ, 7 АПРЕЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 (10.624)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 6 АПРЕЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ЖАҲОН БАНКИНИНГ ЕВРОПА ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ БЎЙИЧА МИНТАҚАВИЙ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ШИГЕО КАТСУНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

— Сизнинг Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонга қизиқишингиз бизни ҳамкорликдаги янги лойиҳалар учун руҳлантиради, — деди Ислом Каримов учрашувда.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги алоқаларга 1993 йилда асос солинган. Ушбу халқаро молия институти билан мамлакатимиз савдо сиёсати, корхоналарни замонавийлаштириш, молия, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва энергетика соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Айни пайтгача Жаҳон банки томонидан юртимизда амалга оширилаётган лойиҳалар учун 600 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит ажратилган.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Россия Федерацияси Савдо-саноат палатаси катта вице-президенти Борис Пастухов раҳбарлигидаги ишбилармон доира вакилларидан иборат делегациянинг юртимизга ташрифи доирасида Тошкентда икки мамлакат тадбиркорларининг ҳамкорликка қаратилган учрашувлари якунланди.**

● **Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Курғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқотлари халқаро марказининг Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари учун минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.**

● **Ўзбекистон Давлат болалар кутубхонасида «Театр — ҳаёт кўзгуси» мавзуида ижодий кеча бўлиб ўтди.**

● **Нукус қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида замонавий ўқув технологиялари тақдимоти ўтказилди. Унда аграр соҳа учун ўрта махсус маълумотли кадрлар етказиб беришда жаҳон тажрибалари асосида жорий этилган ўқув технологиялари намойиш қилинди.**

● **Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бошқармаси Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган маърифий тадбир ўтказди. Вилоят олима аёллари уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, адабиёт ва санъат ихлосмандлари иштирок этди.**

● **«Камолот» ЁИҲ Наманган вилоят Кенгаши ҳамда маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан Машраб номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ёшлик баҳори сайли» ёшлар фестивали бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

● **Исроил марказий сайлов комиссияси 28 март куни мамлакатда ўтказилган парламент сайловларининг якуний натижаларини эълон қилди. Унга кўра «Кадима» партияси парламентда 29 ўринни, Исроил ишчи партияси эса 19 ўринни эгаллашга муваффақ бўлган. Қолган уч партия олган ўринлар бир мунча кам. Бугун мамлакат Президенти Моше Кацав «Кадима» етакчиси Эҳуд Ольмертга ҳукуматни шакллантириш тўғрисида расман топшириқ беради.**

● **Арманистон «Газпром» билан биргаликда Россия табиий гази нархининг ошиши билан боғлиқ муаммони ҳал қилишнинг мақбул йўлини топди. Арманистон Президенти Роберт Кочарянниг сўзларига қараганда, икки -уч кун ичида мамлакат ҳукумати мазкур масалани ҳал қилиш юзасидан якуний тўхтамга келади.**

● **Ироқнинг Киркук шаҳри атрофида 8 та оммавий қабр топилди. Хабарларга кўра, уларда мингдан зиёд кишиларнинг жасадлари мавжуд бўлган. Қабрдагилар курд ва ироқлик христианлар бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Шу асосда Саддам Ҳусайн устидан иш олиб бораётган суд маҳкамаси собиқ диктаторга нисбатан янги айбловларни эълон қилди.**

● **Украина парламенти сайловларининг ғолиблари ҳукуматни бошқарувчи коалиция тузишга муваффақ бўлишди.**

● **Кеча Москвадаги «Космос» меҳмонхонасида фирибгарликда донг таратган Григорий Гробовой ҳибсга олинди. Унга беш йил қамоқ жазоси хавф солмоқда.**

● **Европа яна сув тошқинларига дучор бўлди. Қорларнинг эриши ва тўхтовсиз ёққан ёмғирлар натижасида Дунай, Эльба, Влтава ҳамда Морава дарёлари ўз қирғоқларидан тошиб кетди. Табиий офат Марказий Европа мамлакатларига катта зиён етказди. Хусусан Чехия шимолида Эльба сувлари 8,85 метрга кўтарилди. Мамлакатнинг 7 минтақасида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Германияда эса Саксония ери жиддий хавф остида қолди. Венгрия маъмурлари томонидан Будапештда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Миробод политехника касб-ҳунар коллежида Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбатида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг номзодлари ва ўқувчилар иштирок этишди.

● **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ Яккасарой туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан олий ўқув юртлари «Камолот» бошланғич ташкилотларининг ҳисобот-йиғилиши ўтказилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида талабаларнинг Зулфия Давлат мукофоти совриндори Дилбар Сиддиқова билан учрашуви ташкил этилди.

● **ЭРТАГА** Бектемир туманидаги «Ниҳол» спорт мажмуасида хотин-қизлар ўртасида стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка бўйича ўтказиладиган мусобақалар туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилмоқда.

● **КЕЧА** шаҳримиздаги Алишер Навоий кинотеатрида «Камолот» ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши, «Маҳалла умидлари» маркази ҳамда туман ижтимоий-таъминот бўлими ҳамкорликларида меҳрга ташна инсонлар, кам таъминланган оилалар вакиллари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



**ГЎЗАЛ БАҲОРНИНГ ХУШ НАСИМЛАРИ ЭСАЁТГАН УШБУ КУНЛАРДА ОНА-ВАТАН ТИНЧЛИГИ, САРҲАДЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ ҚЎРИҚЛАШГА АҲД ҚИЛГАН, ҚАТОР ТАНЛОВЛАРДАН ЎТИБ ЮРТ ҲИМОЯЧИСИ ДЕГАН ШАРАФЛИ НОМГА ЛОЙИҚ ТОПИЛГАН ПОЙТАХТЛИК ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИЛИК БИР ГУРУҲ ЙИГИТЛАР ОТА-ОНАЛАРИ ВА ЯҚИНЛАРИ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФЛАРИГА КАТТА ТАНТАНА БИЛАН КУЗАТИЛДИ.**

*Баҳорги чақирув — 2006*

## ОҚ ЙЎЛ, АЗИЗ ЎҒЛОНЛАР!



Ҳарбий оркестр садолари остида сафга тизилган бўлғуси Ватан посбонларини жамоатчилик вакиллари табриклар эканлар, ўзбек заминининг асл фарзандлари барча синовлардан ўтиб, ҳарбий хизматни шараф билан ўтаб, ёруғ юз билан ота-оналари бағрига қайтишларига тилак билдирдилар.

Спорт кийимлари ўзларига ярашган, юзу кўзларидан фахр-ифтихор ёғилиб турган йигитлар, севинч ёшлари кўзларида қалқиб, юрт посбони деган юксак ном эгаси бўлган фарзандига меҳр билан термулиб турган уларнинг ота-оналарини суҳбатга тортдик.

— Бугун иккинчи ўғлимни хизматга жўнатаяпман, — дейди Шоҳиста Қорабоева. — Ўғлим Адҳамжон барча танловлардан энг юқори кўрсаткич билан ўтди. Нияти ҳарбий офицер бўлиш. Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Шунингдек биз билан суҳбатда бўлғуси аскарлар Нуриддин Зияев, Абдураҳим Абдусаматов, Абдураҳим Раҳимов, Бобомурод Жамиловлар яхши хизмат қилиб, тавсияномалар олиб олий ўқув юртига кириб, бирлари иқтисодчи, бирлари ҳуқуқшунос бўлишлари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: кузатув маросимидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ИСТИҚЛОЛ ВА АМИР ТЕМУР

### УЛУҒ БОБОМИЗ АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИГА 9 АПРЕЛДА 670 ЙИЛ ТЎЛАДИ



Мамлакатимиз тарихи шавкатли номларга бой. Аммо узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз буюк ватандошларимизни қадрлаш, уларнинг тарихий мавқеини муносиб ўрингa қўйиш имконидан маҳрум эди. Халқимиз юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, миллатимизни қарамликка кўндириш мақсадида улуғ аждодларимизнинг номлари тарих саҳифаларидан ўчирилган, ибратли ҳаёт тарзи унутишга маҳкум этилган, уларнинг бебаҳо маданий- маънавий мероси эса топталган даврлар ҳамон ёдимизда.

Шукрки, халқимиз ўз аждодларини унутмади, уларнинг ёдини ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлаб келди. Мустақиллик туфайли тарихий ҳақиқат қарор топди - миллат қайғуси, халқ дардида яшаб ўтган бобокалонларимиз Ватанига қайтди.

Миллатимиз фахри бўлмиш ана шу улуғ зотлар қаторида, Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади. Ул муҳтарам инсон соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир».

Олти юз йил илгари қонунлар ва урф-одатларга асосланган давлат барпо этган Соҳибқирон салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилган «Куч - адолатда» шиори бугун биз, ворислар учун ҳам устувор ахлоқий- маънавий мезондир. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишни олдимизга бош мақсад қилиб қўйганимиз ва шу йўлдан собитқадамлик билан олға одимлаётганимиз бунинг ёрқин далилидир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, юзлаб қонун ва кодекслар, давлатимиз қўшилган халқаро шартномалар, неча минг йиллик урф- одатларимиз ва маънавий қадриятларимиз кишиларимизнинг манфаатларини таъминлашга, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, бошқача айтганда, адолат тантанаси учун хизмат қилмоқда.

Президентимиз томонидан давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг ўзимизга хос йўли - Ўзбек модели ишлаб чиқилгани ва изчиллик, тадрижийлик ва юксак самарадорлик билан амалда кенг татбиқ этиб келинаётгани туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида залворли ютуқларга эришмоқдамиз.

Амир Темур ўзининг Шаҳрисабздаги кошонаси - Оқсарой пештоқига «Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин», деган улуғвор ҳикматни нақш эттирган.

Бу — Амир Темурнинг, дунёдаги аксарият жаҳонгирлардан фарқли ўлароқ, умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлганидан далолат.

Бу — Амир Темур юртимизнинг жаҳонда буюк нуфуз касб этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилгани, бу йўлда салмоқли натижаларга эришгани, мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтаргани, қадимий шаҳарларимизни оламнинг етти иқлимига маълуму машҳур табаррук масканларга айлантиргани ҳамда ўз саъй- ҳаракатларининг бу каби шарофатларидан ҳақли равишда фахрлана билганининг тасдиғи.

Бу — ҳамиша эл-юрт ғамини ўйлаб яшаган Соҳибқирон даҳосининг ўз халқига, келажак авлодларга мурожаати, олижаноблик ва бунёдкорликка чорлови.

Обод ва озод юртимизда шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кун очилиб бораётгани замирида ҳам бизга бобокалонимиздан мерос бунёдкорлик руҳи, халқимизнинг якдиллиги, ҳалол меҳнати, ақлу заковати ва теран салоҳияти мужассамдир.

*(Давоми 2-бетда)*

**АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 670 ЙИЛЛИГИ ВА ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ 2700 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИНГ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИГА 10 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАЗКУР МУЗЕЙДА «ЎН ЙИЛГА ЎН КЎРГАЗМА» РУКНИ ОСТИДА КЎРГАЗМАЛАР ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Улардан бири «Хориждаги меросимиз» деб номланади. Унда сақланадиган осори атиқалар, тарихий буюмлар, санъат асарлари Амир Темур ва Темурийлар даврига оид мозий дурдоналардир.

Асрлар давомида қадимий даврга оид осори атиқалар қаторида Темурийлар даврига оид кўплаб буюмлар чет мамлакатларига олиб чиқиб кетилган. АҚШ, Буюк Британия, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Россия ва бошқа давлатларда бизнинг тарихимизга оид ноёб экспонатлар сақланади.

## КЎРГАЗМАДА МОЗИЙ ДУРДОНАЛАРИ



Ҳалқимизни чет мамлакатларда сақланаётган ноёб буюмлар билан таништириш мақсадида фундаментал тадқиқот ишлари олиб борилди ва натижада дунёнинг 193 давлатидан 17 тасида бизнинг тарихимизга оид буюмлар борлиги аниқланди. Буюмларнинг умумий миқдори 1300 дан ошади. Шулардан 49 тасининг фото нусхалари кўргазмада намойиш этилмоқда. Улар ичида сопол, мис ва бронза буюмлар, Мироншоҳ ва Гавҳаршодбегимнинг олтин узуклари, Султон Ҳусайн Бойқаронинг ақиқдан ясалган косаси, Мирзо Улуғбекнинг нефрит кўзаси, Камолиддин Беҳзоднинг Муҳаммад пайғамбар, Амир Темур ҳақида ишлаган бетакрор суратларини томошабинлар ўз кўзлари билан кўриб чексиз ҳаяжонга тушишлари аниқ.

Масалан, 1415 йилда Шерозда ясалган, ҳозирда Саудия Арабистонида сақланаётган, темир ва олтиндан тайёрланган Иброҳим Султон ибн Шоҳруҳнинг совутини олайлик. Бу кўйлаксимон совут Темурийлар даври яроғлари ичида энг нодирларидан бири бўлиб, шубҳасиз катта аҳамиятга эгадир. Совут сават ва қопламалардан иборат. Орқа, ён, олд томонлари оғир 96 та металл бўлаклари билан ўралган. Бу металл бўлакларга олтин суви юритилган бўлиб, жимжимадор ислимий нақшлар билан безатилган. Чап кўкрак қисми устида «Иброҳим Султон хазинаси учун ясалган» деган ёзувлар бор. Ёзув ва безаклар мазмунидан маълум бўладики, бу совут айнан Иброҳим Султон учун тайёрланган. Яна бири Мирзо Улуғбекнинг нақшинкор ёғоч қутисидир. Бу қути 1420 йилда сандал дарахтидан ясалган бўлиб, мозаик услубида жимжимадор олтин тошлар қадалган ва ичига ипак мато тўшалган. У ҳозир Истамбулда Топқопи музейида сақланади.

Ҳар бир буюмга назар ташлар экан томошабин беихтиёр қалбан ўрта асрларга саёҳат қилади. Темур ва темурийлар даврига оид санъат асарларидан баҳраманд бўлади. Хориждаги меросимизни чин дилдан кўриш истагида бўлган бутун Ўзбекистон халқини пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейига таклиф этамиз. Зеро, ушбу кўргазма кенг жамоатчилик, айниқса мустақиллик руҳида тарбия топаётган ёш авлодга ўзлигини англашда, давлатчилигимизнинг бой анъаналарини, қадимий қадриятларимизни, ота-боболаримизнинг бебаҳо меросига меҳр билан боқиб, асраб-авайлаш каби хислатларни ўзида мужассам этишда бой манба бўлиб хизмат қилишига ишончимиз комил.

**Фазлиддин РАҲИМОВ,**

**Темурийлар тарихи Давлат музейининг кичик илмий ходими**

**СУРАТДА: Темурийлар тарихи Давлат музейида намойиш этилаётган кўргазмалардан лавҳа.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 8 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

№ 67 (07.04.2006)



## Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига

***Бу йил мамлакатимизда икки катта сана — Қарши шаҳрининг 2700, Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланмоқда.***

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 июлда имзоланган "Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида қадимий шаҳар юбилейига тайёргарлик Соҳибқирон юбилейи тадбирлари билан уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилиши белгилаб қўйилган.***

***Шу муносабат билан Ўзбекистон Фанлар академияси, Халқаро Амир Темур жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи ва бошқа ташкилотлар қутлуғ саналарга бағишлаб илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар, қизиқарли тадбирлар ўтказмоқдалар.Уларда таниқли темуршунос олимлар, ёзувчилар, зиёлилар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этишмоқда. Соҳибқирон қаламига мансуб "Темур тузуклари" Халқаро Амир Темур жамғармаси томонидан нашр этилди, "Амир Темур жаҳон тарихида" китобининг учинчи нашри амалга оширилмоқда. Март ойида Тошкентда Соҳибқирон юбилейига бағишлаб "Темурийлар давлатчилиги ва ренессанси", Шаҳрисабзда "Темурийлар даври тарихи ва маданияти", "Нахшаб-Қарши жаҳон цивилизацияси тизимида" мавзуларида йирик илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди. Соҳибқирон таваллудининг 670 йиллиги тадбирлари Қарши шаҳри юбилейи тайёргарлиги билан уйғун ҳолда йил бўйи давом этади.***

***Газетамиз ҳам ўз саҳифаларида ушбу қутлуғ юбилей тадбирларига бағишлаб мақолалар, тарихчи олимларимиз асарларидан парчалар эълон қилиб келмоқда, саҳифалар уюштирмоқда. Жумладан, Абдураззоқ Самарқандийнинг машҳур "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асаридан парчалар Асомиддин Ёринбоев таржимасида ўқувчиларга ҳавола этилган эди.***

***Бугун қутлуғ санага атаб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" тарихий романи учинчи китобидан парча эълон қилмоқдамиз. Маълумки, ардоқли адибимиз кўпдан бери Соҳибқирон Амир Темур ҳаётига бағишланган тарихий тетралогия устида ишлаб келади. Адиб Соҳибқиронни инсон сифатида, унинг оиладаги турмуши, хотинлари, фарзандларига муносабати, орзу-армонлари, юрт тинчлиги, салтанат ташвишлари, бир сўз билан айтганда инсонпарварлиги тўғрисида ёзишни ният қилган. Ҳозиргача романнинг "Жаҳонгир Мирзо", "Умаршайх Мирзо" деб аталган биринчи ва иккинчи китоблари китоб ҳолида нашр этилиб ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинди. Ўз вақтида газетамиз саҳифаларида мазкур романлардан ҳам боблар эълон қилинган эди.***

***Фурсатдан фойдаланиб, ҳурматли газетхонларимизни буюк бобомизнинг қутлуғ тўйлари муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз.***

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# ШАЪБОН ОЙИ ЎН БЕШИДА

**("УЛУҒ САЛТАНАТ" ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ УЧИНЧИ КИТОБИДАН ПАРЧА)**

Амир Темур Кўрагон беш йиллик Эрон юришига бораётиб, Бухоро шаҳрига етганда бутун аъзои баданида қандайдир хорғинлик сезгандай бўлди. Ўнг оёғи яна зирқирашга турди. Гўё оёқнинг ичида қандайдир ингичка ипдек сим бору кимдир уни дам-бадам тортиб-тортиб ўйнар, шундан нохуш оғриқ пайдо бўлар эди. Паҳлавон жуссали, танаси пишиқ, бақувват соҳибқирон парво қилмади. Волидаи муҳтарамаси Тегина Хотун туғилган Бухоро шаҳрини бағоят эъзозлар, она маконим дер, ҳар сафар келганда ҳурмату эҳтиром, фавқулодда

Одатга кўра, шаҳарнинг азиз-авлиёлар қадамжоларини зиёрат қилди, Сомонийлар мақбарасига борди, милодий 1127 йилда қорахонийлардан Арслонхон қурдирган, бир юз олтмиш йилдан бери кўкка бўй чўзиб турган мағрур миноранн нечанчи бордир, эсида йўқ, томоша қилди. Ўсмирлик пайтларида минора ичидаги айланма зиналардан тепадаги ўн олти равоқли қафаса-кўшкка чиқишни ва чор атрофга завқ билан боқишни яхши кўрарди. Бир кунда икки мартадан чиқиб тушган кунлари ҳам бўлган. Лекин қизиқ жойи, ҳар сафар зиналарни диққат билан санаб чиқса ҳам уларнинг саноғи негадир турлича чиқарди. Гоҳ бир юзу тўртта, гоҳ эса бир юзу учта... Минорадан узоқ-узоқларга тикилар экан, Турон юртининг кенглиги ва улуғворлигини юракдан ҳис қилар, бутун оламни кафтдагидек кўриб турарди. Аммо ўнг оёғи ногирон бўлиб қолгандан сўнг минорага чиққани йўқ.. Арслонхон қурдирган бошқа бир минора ҳам унга жуда ёқади. Чағониёнда – Жарқўрғондаги бу минора ҳам ғиштдан эмас, худди ипакдан тўқилгандек нақшинкор, гўзал...

Соҳибқирон чиндан-да Бухорони азиз-авлиёлар макони деб билади. Аввалроқ, шайх Сайфиддин Бохарзий даҳмаси атрофида мақбара ва хонақоҳ бунёд этиш, гулзор қилиш ҳақида фармон берганди. Ҳазрати Наҳмиддин Кубро шогирди бўлган машҳури офоқ бу зот довруғи бошқа мамлакатларга ҳам тарқалиб кетган. Милодий 1260 йилда Чингизхон набираси Олтин Ўрда хони Беркахон Бухорога келиб шайх фатвоси билан мусулмонликка кирди ва мурид бўлди. Энди уни Беркахон эмас, Баракахон деб атай бошладилар. Ушбу воқеадан кейин Сайфиддин Бохарзийга "шайх улолам" даражаси, Бухоро шаҳрига эса "Бухоройи Шариф" унвони раво кўрилганди. Соҳибқирон обод ва ораста мақбара-ю хонақоҳни кўриб кўнгли таскин топди, ёнма-ён катта зиёратхона қуришларини амр этди. Бундан уч йил аввал оламдан ўтган қудратли шайх Баҳоуддин Нақшбандий мозорини тавоф этаркан, уни обод қилишни буюрди, фақиру мискинларга хайру эҳсонлар улашди.

Кунлар жуда иссиқ эди, шу сабабдан саҳар салқинида Бухородан йўлга чиқишга қарор қилинди. Буни эшитган Ўрамдаги амирлар, соҳибқирон мижозида дард аломатлари аён кўриниб турганда йўлга чиқиш хатарлидир, батамом соғайиб кетсунлар, кейин жўнайлик, дея ўз андишаларини ҳазратга етказишни Амир Сайфиддин некўз билан Муҳаммад Чуроға додхоҳдан ўтиндилар. Аммо жони оғриб турганига қарамай Амир Темур ўз сўзида қатъий эди:

- Киши катта сафар измини тутқонда, йўлнинг бошидаёқ касал бўлиб ётиб олмоқ Худоға ҳам, бандасиға ҳам номақбул ишдур. Сафарга чиққондан сўнг фақат олға юрмак керак!

Орага бошқа гап сиғмасди.

Бироқ Қоракўлнинг Жўйи Зар мавзеига етганларида, Амир Темурнинг ҳолсизликдан отда ўлтириши мушкул бўлиб қолди. Ёстиққа бош қўйиб оёғини бир лаҳза бўлса ҳам узатиб ётмоқ соҳибқироннинг ягона орзусига айланди. Ҳамма тараддудга тушди. Хушманзара бир боғда тўхтадилар. Атрофда катта-катта қишлоқлар кўринарди. Аҳволи тобора оғирлашаётганлигини сезган соҳибқирон Муҳаммад Чуроға додхоҳга хаста овозда бундай деди:

- Мамат... - Амир Темур ҳарсиллаб нафас олди. - Дарднинг келиши хунукроқ... ҳеч қачон бундай бўлмағон... Оёқнинг оғриғи кучайғон... Аъзои баданим эзилғон...Таом тиламасмен. Томоғимда қуруқ йўтал бор, йўталсам нафас қисадур. Саноқли куним қолди шекилли...

Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг кўзларидан чирт этиб ёш чиқиб кетди:

- Нималар деяпсиз, Ҳазрат? Қўрқитмангиз!.. Худо сақласун! Худо пошшо эгам, деганлар.. .

Малика Чўлпон Мулк оға бу гапларни юраги қон бўлиб эшитар, бесас соҳибқирон оёқларини уқалар экан, қоп-қора қийиқ кўзларидан қуйилган ёшлар нақшин олмадай гўзал чеҳрасини бетинким ювар эди. Соҳибқирон Тўхтамишхон билан жанг қилмоққа борганда маликалар ичидан Чўлпон Мулк оғани танлаб ўзи билан олиб кетганди. Кутилмаганда ҳазрат Тошкентда қирқ кун бетоб бўлиб ётиб қолди. Самарқанддан маҳди улуғ Сароймулкхоним етагида барча маликалар етиб келдилар. Малика Туман оға негадир ёнма-ён кундош бўлгани учунми, Чўлпон Мулк оғани доим ғаш олиб юради, уни соҳибқиронга рашк қилади. Агар соҳибқирон Боғи Баландга ўтсалар ҳам, бунга ўша ерда яшайдиган Чўлпон Мулк оға айбдор, сафарларга боргани учун ҳам Чўлпон Мулк оға айбдор... Бировдан ишоратсиз у ҳеч нарса қилолмайди-ку, наҳотки муҳтарама малика шуни тушунмасалар?

Чўлпон Мулк оға Туман оға ҳақида шундай гапни эшитганди. Туман оға ҳарамга келган паллалар унга малика Дилшод оға ҳеч тинчлик бермас экан. Дилшод оға, умидли дунё деганларидай, бўйида бўлишини узоқ кутар экан-да, Туман оғадан олдинроқ фарзандли бўлишни истаркан. Ҳеч ким йўғида ёш келинчакка захарини сочиб олар экан. Кўп марта шундоқ такрорланибди. Охири гап Сароймулкхонимга етибди ва барҳам топибди. Кейин Аллоҳнинг карами билан чиндан ҳам барча маликаларнинг кўзини куйдириб, Дилшод оғанинг бўйида бўлипти, бироқ чақалоқ жуда қийинчилик билан туғилибди, у тирик қолибди-ю малика оламдан ўтибди. Чақалоққа Султон Иброҳим деб ном қўйибдилар, умри билан бермаган экан, чақалоқ ҳам уч ойгина яшабди холос...

Энди Туман оғанинг ўзи Дилшод оғага айланиб қолди. У ҳам Чўлпон Мулк оғадан аввал фарзанд кўрсам, дейди шекилли... Тошкентда Туман оға Чўлпон Мулк оғага очиқдан-очиқ шундай деди:

- Ирим-сирим қилиб юриб валинеъматни ўзингга иситиб олдинг-а, беҳаё! Касринг тегди! Ҳазратимни сен келиб касал қилдинг! Ҳа!

Бу гапни эшитган Чўлпон Мулк оғанинг оқ юзи баттар оқариб кетди! Тили боғланганидан ҳеч нарса деяолмай бир лаҳза қаловланиб турди. Мулойим ва майин Туман оғадан чиққан ғалати гапларга анграйиб қолди, кейин ўзини ўнглаб деди:

- Ие... Вой... Бу нима деганингиз, маликам?.. Мен...

- Ҳа. сен! Сен!.. Йўқ, деб кўр-чи!... Илгари Амир соҳибқирон ҳеч бетоб бўлмас эдилар... - Кичик маликага гапиртиргани қўймай давом этди Туман оға. - Сен келдингу ул зот дам-бадам оғриб қоладиган одат чиқардилар... Ҳе, касринг тегмай ўл! Илоҳо, ўзингга урсун!

- Касалга чалинсалар, Аллоҳнинг буюргани... – қуюнib деди Чўлпон Мулк оға. – Худо хоҳласа, соғайиб кетадилар. Ҳеч қачон касал бўлишларини истамасмен! Худо сақласун! Ҳамиша соғ-омон бошимизга соябон бўлиб турсунлар! Дуоларини олиб юрайлик! Келганимга уч йил бўлган бўлса доимо сиҳатларини тилаймен, бир жонлари омон бўлсун, деймен... Ҳазратим учун жонимни беришга ҳам тайёрмен, билсангиз, опажон!..

Чўлпон Мулк оғанинг ўпкаси тўлиб кетди. Кейинги сўзлари йиғи аралаш чиқди. У барини тушуниб турарди. Охирги пайтларда соҳибқирон сафарга чиққанларида фақат ёш дўндиқ малика Чўлпон Мулк оға соғинч билан кутиб олинди. Ўзи ҳам ҳомиладор эди. Ҳазрат агар уни кўпроқ тиласалар, малика не қилсун? Чўлпон Мулк оға Соҳибқирон кўзларига тик қарашга уялади-ю, сафарга мени олмангиз, малика Туман оға хафа бўлмоқда, уни олиб кетингиз, деб қандай айта олади?

Энди унинг ҳадиксираб турган жойи бор. Эронга сафарга кетаётганда тағин Чўлпон Мулк оғанинг олдида ҳазратнинг тоблари қочиб қолди... Тағин малика Туман оғага гап топилди, яна сен касал қилдинг, сенинг касринг тегди, дейишлари аниқ... Шўрлик маликани намунча маломатларга қўймасанг, эй парвардигор!..

Маликанинг хаёллари бўлинди.

- Майли, Мамат... – деди беҳол бўлган Амир Темур. – Биров билмасун... Ҳожи Сайфиддинни чорла...

Соҳибқиронга кўп гапириш ҳам малол келарди. У шитоб Амирзода Муҳаммад Султонни чақирсунлар, деди, Самарқандга чопарлар юборишни, Биби ва бошқа маликаларни, ўғлон-ушоқларни олиб келишларини буюрди... Лекин хабарни етказганларида, қўрқитиб юборма-сунлар, деб тайинлади.

Амир Сайфиддин некўз соҳибқиронга қараркан, ўйланиб, ўзи сезмаган ҳолда ўрганган "Хў-ўш..." сўзини такрорлар, ҳозиқу табибларга иш буюрар, ора-орада енгилгина томоқ қириб қўяр эди. Кўп дору дармонлар жобажо этдилар. Бироқ доруларнинг унчалар таъсири сезилмаётгандек эди.

Амир Темур шифтга қараб ётар, кўзларини очай деса қовоқлари оғирлик қилаётгандек туюларди. Қўл-оёқлари худди боғлаб ташлангандек зил-замбил, Ўнг оёғи инграниб азоб берарди. Ҳеч ким билан гаплашгиси келмас, аллақандай машъум хаёллар уни қамраб олганди. Балки Бухорода амирларнинг илтижоларига қулоқ солиб, соғайиш тадорикини кўрганда бунчалар бўлмасмиди. Пайғамбар ёшига етаман, омон-эсон ўтиб ҳам кетаман, деб худодан умидвор юрувди...

Наҳотки ёруғ дунё билан хайрлашиш онлари яқин қолган бўлса? Ҳали юмушлари кўп эди-ку? Чин мамлакатига бориш ана шундай юмушлардан бири... Неча асрлардирки, турк хоқонлари Чин мамлакатига ўлпон тўлаб келадилар. Чин подшоси ҳамиша ўзи ёш бўлса ҳам, турк хоқонларига мактуб ёзганда, элчи йўллаганда "Ўғлим" сўзига урғу беради. Албатта, бу камситилишдур. Ҳалигача Турон подшоларидан ҳеч ким бу муаммони ора-очиқ қилолгани йўқ. Буни Амир Темур адо этишни дилига тугиб қўйган...

Ҳамон Тўхтамишхон муаммоси олдинда турибди. Ҳали Жўжи улуси бақувват, шаҳзарлари гуркираган... Истаган пайтда салтанатнинг ё у бурчагидан, ё бу бурчагидан тажовуз қилишлари мумкин.

Фарзандлар, набиралар камолини кўриш... Бибидан фарзанд бўлмади. Худонинг инояти билан Дилшод оқа ўғил туғиб берди, Султон Иброҳим деб от қўйдилар. Бироқ уч ойдан кейин малика ҳам, умри қисқа экан, ўғил ҳам оламдан ўтдилар... Суйгани Туман оғадан эса ҳозиргача бирор зурёд хабари йўқ.. Энди умид гўзал малика Чўлпон Мулк оғадан ...

Кошки эди, имкон топилса-ю юртда фақат боғ-роғлар қилиш, бинолар бунёд этиш, йўллар солиш, тижорат ишларига ривож бериш, тўйлар ўтказиш, етим-есирлар бошини силаш, хайру садақалар улашиш каби эзгу юмушлар билан банд бўлса киши!.. Шундай замонлар келармикин?.. Бунда эса эндигина нафас ростлаб турганингда, кимдир қайдадир мухолифат изҳор қилган, қандайдир гуруҳ йўлтўсарликни касб этиб олиб, бечораларни қақшатган, айрим кўрпасига қараб оёқ узатмаганлар ҳатто юртга бостириб кириб, раият бошига кулфатлар солган, мусулмонлар азобда қолган... Яна черик йиғиш керак, ўзингни зинҳор ожизу нотавон кўрсатмаслигинг даркор, агар шуни сезсалар душманлар ҳар тарафдан ҳамла қиладилар ва бўлишиб ейдилар...ҳа, ўзингни ҳимоя қилмоқ учун майдонга отилмоғинг, қиличингни маҳкам тутмоғинг шарт! Бу – азал қонуни, қоидаси... Афтидан, парвардигор осмондан бекорга темирни ҳам туширмаган, темирга ҳамиша эҳтиёж бўлади шекилли, қиличсиз замонлар, чамаси, олисдаги сароб...

Бирдан хаёл шодалари узилди, у хонага кимнингдир кирганини сезди. Бу амирзода Муҳаммад Султон эди. Амир Темур сўз қотмай суюкли набирасини бағрига тортиб қучоқлади, гўёки амирзодадан унинг беҳол вужудига куч-қувват оқиб кираётгандай эди. Дард илашгандан бери саргайиб кетган юзига илк марта табассум югурди.

- Келдиларму, амирзодам?.. – сўради оҳиста.

- Келдим, валинеъмат соҳибқирон, келдим! Ёнингиздамен!.. – йиғлашдан ўзини базўр тийиб деди амирзода.

- Аллоҳга шукур... Халлоҳи безаволга салламно!..

Шу палла хонимлар ва оғаларнинг хабари етди. Кўп ўтмай хонага Сароймулкхоним, малика Туман оға, Султон Бахт бегимлар, уларнинг изидан бирин-кетин Шоҳруҳ Мирзо ва бошқа шаҳзодалар кириб келишди. Таъзим бажо қилган маҳди улуғ оҳиста соҳибқироннинг бошини силай бошлади, соҳибқирон таниш ва меҳрибон қўл тафтини дил-дилидан сезди... Туман оға билан Султон Бахт бегимлар кўзларида ёш, беморнинг оёқларини уқалашга тушдилар. Туман оға маликалар ташрифидан ўзини четга тортиб бегонасираб турган, қийиқ кўзлари йиғидан қизариб кетган Чўлпон Мулк оқага бир қараб қўйди...

Меҳрибону оромижонларини ўз ёнида кўрган соҳибқироннинг чеҳраси ёриша бошлади. Хуфтонга боргандa бостириб келган уйқуга қаршилик қила олмай қолди. Муолажалар энди таъсир эта бошладими, ҳаркалай эрталаб туриб, касал бўлгандан бери биринчи марта сал одамга ўхшаб ухлаганини билди.

- Фақиру мискинларга хайру садақа қилингизлар...— деди Амир Темур Сароймулкхонимга. – Пайғамбар саллаллоҳи алайҳи васалламнинг ҳадисларида айтилмишки, беморларингга садақа бериб даволангизлар, деган... Илло "Аллоҳ бандаларига лутф этгувчидир..."[1]

Сароймулкхоним қўллари кўксида, оҳиста бош эгди. У жуда яхши билади, Амир соҳибқироннинг қоим эътиқоди ҳазрати ҳаққа боғлангандир. Азиз-авлиёларни кўз устида тутадилар. Хайру эҳсонга қўллари очиқ , Махду улё барча маликалару амирзодаларни хайру садақа юмушларига бош қўшишга чорлади. Туман оға бир қишлоққа, Султон Бахт бегим иккинчисига, Чўлпон Мулк оқа учинчисига йўл олдилар. Фақиру музтарларга, оч-юпунларга, ожизу нотавонларга садақалар улашиш бошланди. Бу қувончли, серзавқ юмуш нафақат маликаларни, балки бошқа амирлару лашкарбошилар хотинлари ва болаларини ҳам қамраб олди. Олмоқдан кўра бермоқ яхшироқдир, деган қадимий ҳикмат яна иззату икромда эди. Барча ҳоли қудрат эҳсон қилишга, шу билан Аллоҳдан соҳибқиронга сиҳат тилашга тиришарди.

Сароймулкхоним мулозимлари билан каттагина қишлоққа кириб келди, соғинганидан амирзода Муҳаммад Султонни ёнидан қўйиб юбормади. Бирма-бир кўп хонадонларга кириб ёрмоқлар сочдилар. Садақа олган кекса-ю ёш сидқидилдан дуога қўл очар, болакайлар эса хўрозқандларини кўз-кўзлаб у ёқдан-бу ёққа чопардилар. Катта малика суюб уларнинг бошини силаб-силаб қўярди.

Бир ҳовлидан чиққанларида, иттифоқо, Амир Сайфиддин некўзнинг қизи ўрта бўйли Соғинчбону ҳам мулозимлар кўмагида садақа улашиб юрганини кўрдилар. Онаси бетоб бўлиб ётиб қолибди. Сароймулкхонимни кўрган қиз югуриб келиб чиройли эгилганча маҳди улё қўйлагининг пешини ўпиб тавоф этди.

- Кам бўлмангиз, қизим, кам бўлмангиз! Ўсиб камолга етингиз!.. – деди ҳавас билан Сароймулкхоним, Соғинчбонуни бағрига олиб манглайидан ўпар экан. Қиздан ажойиб ёқимли муаттар бўй маҳди улёнинг димоғига урилди.– Яхши жойлардан ато қилсун, айланайин сиздан!..

Юз, қулоқларигача қизариб кетган қиз изо тортиб ерга қараганди. У суюкли амирзода билан, тағин катта малика олдида - учрашиб қолишни асло ўйламаганди.

Қоракўл кўприги олдидаги воқеадан сўнг Муҳаммад Султоннинг кўнгли бемисл бойиб кетгандай бўлди. Ёш кўнгил саҳнида ғаройиб ва ёркин малак сиймоси бўй кўргизганди. Бошқачароқ айтганда, нозик ниҳол Соғинчбону андишага бормай, сўроқсиз унинг қалбига бостириб кириб, баҳодир йигитни ўзи билан ўзини овора қилди қўйди.

Фавқулодда дийдорлашувдан амирзода алланечук ҳолга тушди. Худди маҳди улё унинг сир-асроридан хабари бордай, хижолат бўла бошлади. Бирон нарсани баҳона қилиб нарироқ кетиши лозим эди, аммо оёқлари жойидан жилмас, кўзлари унга бўйсунишни хоҳламасди.

Соғинчбону ҳам қандай ҳаракат қилишни билмасди. Шартта ортига қайтиб кетаберсинму? Ё... амирзода билан саломлашиш лозимму? Қиз боши билан саломлашса, одобсизлик бўлмайдирму? Балки амирзоданинг ўзлари сўз очарлар?..

Бироқ мушкул аҳволда қолган амирзодадан садо чиқмади. Қиз катта маликани тавоф этгандан сўнг, кўприкнинг олдида бўлганидек, амирзодага ним табассум ила бир боқиб, худди янги келинчак тўйининг эртаси куни эрталаб кўришганда куёвига ўнг қўлини кўксига қўйиб таъзим этгандай ҳурмат бажо келтирди ва аста ортига чекина бошлади. Икки юзидаги кулгичлари амирзодага хуш ёқадиган чиройли ўймоқчалар ҳосил қилди... қизнинг ҳаракати шу қадар табиий чиқдики, бу нафақат йигитни ўртаб юборди, балки катта маликанинг борлиғини ҳам енгил титратиб ўтди...

Маҳди улё доимо амирлару аркони давлат хонадонларида бўлган йигинларда, тўйларда шаҳзодаларни ўйлаб пинҳона қизларга бир-бир назар ташлар, кўнгли сув ичган чиройликларини кўз остига олиб қўярди. Ундан-бундан эшитган гапларга кўра, Соғинчбону ҳам мўлжалда эди. Аммо қизнинг бу қадар сулувлигини яқиндан илк бор кўриши ҳозир амирзода билан қизни ёнма-ён турганини кузатаркан, ярқ этиб хаёлига бир фикр келди: "Бир-бирларига жудаям мос эканми!.." Соғинчбону ниҳоятда сулув, Муҳаммад Султон бағоят келишган йигит эди! Бундан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди. Чунки яқинда Самарқандга келганларида Боғи Чинорда Хонзода хоним билан шу ҳақда суҳбатлашишган, ўзларича ҳар икки малика амирзодага номзод излашаётганларини бир-бирларига маълум қилган эдилар. Маҳди улё назарида, Соғинчбону Хонзода хонимга ҳам ёқиши керак...

- Шу ожизани амирзодамга... унаштириб қўяйми? – деди бирдан қатта малика ҳазил аралаш Муҳаммад Султонга атай эшиттириб. Бу пайт қиз улардан йироқлашиб ўз мулозимлари ёнига етиб қолган эди. – Жуда келишган, гўзал қиз экан!..

Амирзода ўзини эшитмаганга олди, у нима дейишини билмасди. Ёш йигитнинг кўнгли яйраб кетди. Нимадир қилиши керак эди... Шу пайт кўчада бир мискин одам ўтарди. Қувонганидан шартта ўзининг отини унга садақа қилиб миндириб юборди! Мулозимга қишлоқ мозорига сидқу ихлос билан икки қўй ҳадя қилишларини буюрди. Қий-чув кўтариб кўчани тўлдириб юрган болаларни ёнига чорлаб, ҳамёнидан танғалар олиб: "Мана сенга!", "Мана!..", "Ол!.." дея улаша бошлади...

Сароймулкхоним амирзоданинг бирдан чаққон бўлиб қолганини кўриб ниманидир англагандай мийиғида кулиб қўйди.

Бошқа маликалар, шаҳзодалар қайтиб келишганда бир неча қишлоқда бева-бечоралар, азиз-авлиёлар мозорларига кўп хайру садақалар берилгани ошкор бўлди. Жумла мўмин-мусулмонлар дуога қўл кўтариб Амир Темур Кўрагон ҳақларига Аллоҳдан шифолар тиладилар.

Садақа ва эҳсонлар ўз хайрли ишларини кўргизди. Амир Сайфиддин некўз соҳибқироннинг кун сайин соғайиб, мизожи тетиклашиб бораётганини сезди. "Музтар-ночорлар дуо-илтижо қилганларида ижобат қилгувчи ким?..[2] – деди ичида у Қуръон каломларини такрорлаб. – Аллоҳга шукур!.."

Қутлуғ шаъбон ойининг ўн бешида[3], Аллоҳ "энг пастки осмонга тушиб", гуноҳларини афв этишни сўраганларнинг илтижосини ижобатга оладиган, мусулмонлар байрам қиладиган барот кечасида Жўйи Зарда чиндан ҳам байрам бўлиб кетди. Тангри таолонинг каромати билан хайру эҳсонлару дору дармонлар дардга мувофиқ тушиб, икки ҳафта ёстиққа михланиб қолган Амир Темур соғайиб оёққа турди!

Энди Соҳибқироннинг ўзи мискину бечораларга эҳсонлар қилишга киришди.

[1] **Қуръони карим. 42 – Шўро сураси, 19-оят.**
[2] **Қуръони карим. 27-Намл сураси. 62-оят**
[3] **Милодий 1392 йил 7 июл.**

## ИСТИҚЛОЛ ВА АМИР ТЕМУР

*(Давоми. Боши 1- бетда)*

Дунё савдо аҳли ила обод бўлажак! Шу оддий ва аниқ ҳикматдан аёнки, Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро савдо-иқтисодий муносабатларни кенг йўлга қўйиш, ундан барчани, аввалambор, ўз халқини баҳраманд этиш бош ғоя бўлиб хизмат қилган. Шавкатли бобокалонимиз олти аср бурун бош қотирган ва сиёсат юритган халқаро миқёсда адолатли интеграция макони яратиш йўлидан эндиликда мустақил Ўзбекистон дадил одимлаётир. Ўтган йили мамлакатимиз дунёнинг қарийб 150 давлати билан самарали савдо-сотиқни амалга оширгани, юртимизга 117 мамлакатдан неча юз минглаб сайёҳ ташриф буюргани буни яққол исботлаб турибди.

Ислом Каримов яқинда Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўлида навбатдаги улкан қадам бўлди. Ташриф чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро стратегик шериклик алоқалари расмийлаштирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Сеул музокаралари якунида молия, савдо ва саноат, санoат, нефт-газ, энергетика, минерал ресурслар, геология, юқори технологиялар, олий таълим, маданият, оммавий ахборот воситалари, аҳолини иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш каби кўплаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга доир 43 ҳужжат имзоланди. Уларда кўзда тутилган умумий маблағ 1,8 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас. Тошкентда, Шаҳрисабзда, Самарқандда буюк бобомизнинг улуғвор ҳайкаллари қад кўтарди. Пойтахтимиз марказидаги хиёбон, шоҳкўча, метро бекати, шунингдек, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва маърифат масканлари Соҳибқирон номи билан аталади.

Амир Темур ордени — юртимизда мустақиллик даврида таъсис этилган ва бугунги авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз ёрқин истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматлари учун бериладиган юксак давлат мукофотларидандир.

Амир Темур хиёбонига туташ жойда Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошона — Темурийлар тарихи Давлат музейи юртимизнинг турли ҳудудларидан ва дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келадиган зиёратчилар билан доимо гавжум.

Юртимизда ҳар йили Амир Темурнинг таваллуд санаси кенг нишонланади.Соҳибқирон номи, фаолияти билан боғлиқ тадбирлар алоҳида кўтаринки руҳда ўтади.

Ҳа, Амир Темур номи, унинг сиймоси халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлаб турибди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак».

Бугун юртимизда, шунингдек, хорижда Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда. Дунёнинг эллигидан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд бўлса, Шарқ тилларида қарийб мингтага етди. Бошқача айтганда, Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда.

Афсуски, турли мамлакатлардаги йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан Амир Темур меросига бағишлаб холис ва ҳаққоний тадқиқотлар яратилаётгани билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг истиқлоли ва истиқболини кўролмайдиган айрим ғаразли кучлар томонидан чет эл оммавий ахборот воситаларида, Интернет саҳифаларида турли бўхтон ва уйдирмаларга тўла чиқишлар ҳам уюштирилмоқда.

Айниқса, Андижондаги террорчилик ҳаракатлари ўз вақтида бартараф этилгач, ана шу кўпорувчиликларнинг бошида турган баъзи бир аламзада кучлар мустақил мамлакатимизга, озод халқимизга, миллий манфаатларимизга қарши ахборот хуружларига зўр бермоқда. Шу маънода, Амир Темур шаънига туҳмат тошларини ёғдиришдан кўзланган мақсад, шўролар замонида бўлганидек, бизни яна буюк тарихимиздан жудо қилишга интилишдан бошқа нарса эмас.

Ҳақ сўз шуки, инсоният янги аср, янги минг йилликка қадам қўйган ҳозирги даврда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати ибрат намунаси бўлиб қолаверади. Биз - суверен мамлакат, озод халқ фарзандлари Соҳибқирон бобомиз баланд кўтарган ва энди бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур ҳилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб, яна бир бор ўз-ўзимизга шундай мурожаат қиламиз:

Хўш, бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб, обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг туб сабаблари нимада?

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бунинг сабаби қуйидагилар:

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

**ЮРТИМИЗДА ҲАР БИР ЎТКАЗИЛАЁТГАН КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАН ЕТУК, КОМИЛ ИНСОНЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛИШЛАРИ, ЭГАЛЛАГАН КАСБ-ҲУНАРЛАРИНИНГ ТОМ МАЪНОДАГИ ЭГАСИ БЎЛИШИГА ҚАРАТИЛГАН. ХУСУСАН ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТИЗИМИДАГИ ФҲДЁ ОРГАНЛАРИ ЎРТАСИДА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛАЁТГАН «ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБАСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРИК-ТАНЛОВДАН ҲАМ АЙНАН ЮҚОРИДАГИ ХАЙРЛИ НИЯТЛАР КЎЗЛАНГАН.**



*Танловлар*

# ШАРАФЛИ КАСБ СОҲИБАЛАРИ

Куни кеча «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида ушбу кўрик-танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда ўз жамоаларида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб, касбининг сир-асрорини пухта эгаллаган, танловнинг биринчи босқичида ғалаба қозонган 6 нафар лобар қизлар иштирок этдилар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, ушбу танлов Республика Адлия вазирлигининг қарорига кўра «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ҳақида»ги Низомга мувофиқ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг топшириғи асосида ҳар йили ўзига хос янгилик, янги ғоялар билан бойитилган ҳолда ўтказилиб келинади.

— Ушбу кўрик-танловни мунтазам ўтказишимиздан мақсад Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органлари ходимларининг ўз касбини севиш ва улуғлаш, масъулиятини ошириш, соҳа бўйича тажриба ва малакаси ҳамда ҳуқуқий билимларини янада оширишда ўз устида ишлашга эътиборини қаратишдир, — дейди биз билан суҳбатда Никоҳ ва оила маросимлари маркази директори Марҳамат Йўлдошева. — Шунингдек, оилада фарзанд туғилиши бахти, никоҳ тузиш, «кумуш» ва «олтин» тўй каби оила маросимларини, миллий удум ва замонавий урф-одат анъаналарини чуқурроқ ўрганиб, оилани барпо этишда ибратли ишларни ҳаётга тарғиб этиш, маънавият, маърифат, маданият ва санъат борасида соҳа ходимларининг қобилиятини синаш ва рағбатлантиришдир.

Бири-биридан лобар ва гўзал қизлар, ўз касбини пухта эгаллашга интилган билимдон ходимлар никоҳ тузиш, «кумуш» ва «олтин» тўй каби оилавий маросимларни тантанали ўтказиш, широкчининг ташқи кўриниши, тантанали маросимлар ҳамда хизматни ўташ даври учун танланган либослар каби шартлар бўйича беллашдилар.

Танлов ниҳоятда серзавқ, тассуротларга бой, баҳс-мунозаралар билан кўтаринки руҳда ўтди.

Иштирокчиларни баҳолаш нуфузли ҳайъат аъзоларига осон бўлмади.

— Ўйлайманки, бу йил ўнинчи маротаба ўтказилаётган ушбу танловдан йиғилганлар касб-корлари учун ниҳоятда муҳим бўлган касб одоби, муомала маданияти, ҳуқуқий билим бўйича керакли маслаҳат ва тавсияларни олдилар, — деди ҳайъат аъзоси Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси раиси ўринбосари Зуҳра Азимова.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу танлов юртимизда биринчи бор замонавий ва миллий тўй базми ҳамда ўзбек халқининг урф-одат ва анъаналари намойиши «Тўй-2006» миллий шоу-кўргазмаси бўлиб ўтаётган «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида, юзлаб томошабинлар даврасида ўтказилди.

Танловда «Энг яхши касб либоси учун» Учтепа туман ФҲДЁ ходимаси Сурайё Илёсова, «Энг яхши нутқ маданияти эгаси» — «Наврўз» — бахт уйи ходимаси Гавҳар Рашидова, «Шарафли касб соҳибаси – 2006» — Юнусобод туман ФҲДЁ ходимаси Гулбаҳор Қулматова ҳамда бошқа қатнашчилар қатор номинациялар ғолиби деб топилдилар ва диплом, Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: «Шарафли касб соҳибаси – 2006» танловидан лавҳа.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

«Ўзбекистон банклари ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш агентлиги» МЧЖ 2006 йил 11,18,25 апрель кунлари бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қўйилган «Parrandata'minot-taqsimot va qurilish» ЁАЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мўминов кўчаси, 1«а»-уй манзилидаги ум. майд. 503 кв.м.дан ташкил топган 3 қаватли маъмурий бино Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари бўлинмаси ҳатига асосан сотувдан олинганлигини билдиради.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўчаси, 1-уй.**

**Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.**

Марказдан квартира сотиб оламан. 128-62-48

Қисқа вақтга квартира топшираман. Т: 127-62-48, 128-62-48

«Радиодеталлар» дўкони ҳар қандай радиодеталлар, компьютерлар, жамловчи электрон аудио ва видео, ўлчов асбобларини харид қилади ва сотади.

Т.68-93-93

**БУГУН Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг спорт мажмуасида Дэвис Кубоги – теннис бўйича терма командалар ўртасида норасмий жаҳон чемпионатининг Осиё-Тинч океани минтақаси гуруҳига кирувчи жамоалар иштирокидаги навбатдаги, иккинчи босқичдаги ўйинларга старт берилди. Мусобақаларда Ўзбекистон ва Хитой терма жамоалари иштирок этмоқда.**

*Дэвис Кубоги – 2006*

# ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: ҲОЗИРЧА ИМКОНИЯТЛАР ТЕНГ

Айтиб ўтиш жоизки, Дэвис Кубоги ўйинларида бизнинг жамоа 1994 йилдан буён, яъни ўн учинчи мавсум қатнашмоқда. Ўтган вақт давомида ўзбекистонлик теннисчиларга қарши 20 давлат чиққан бўлса, энг кўп учрашув Хитой ва Таиландга тўғри келади.

Маълумки, шу йилнинг февраль ойида мавсум ўйинларининг биринчи раундида Ўзбекистон таиландлик теннисчиларни қабул қилганди. Қайд этилган давлат билан бу бешинчи учрашув бўлган бўлсада, аммо ғалаба нашидаси бизнинг спортчиларга фақат бир маротаба — 1996 йилда насиб этганди.

Хитойлик спортчилар билан бу йилги баҳс ҳам теннисчиларимиз учун бешинчидир, аммо натижалар, таиландликларникига қараганда анча фарқ қилади. 1995-1996 йилларгаги учрашувларда Ўзбекистон жамоаси ўйинларни бой берганди, лекин кейинги 1998 ва 2000 йилларда Хитойда бўлиб ўтган мусобақаларда шоҳсупага чиқишга муваффақ бўлди. Ўша кезларда терма жамоамиз таркибини Олег Огородов, Дмитрий Томашевич, Вадим Куценко каби таниқли теннисчилар ташкил қилганди.

Хитойлик жамоа билан бу галги баҳсларда мамлакатимиз шарафини ҳали ёш, лекин анча тажрибага эга, маҳоратли, кўплаб нуфузли турнирлар совриндорлари Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Мурод Иноятов ва Сарвар Икромовлар ҳимоя қилади.

Терма жамоамиз рақиби, рейтинг кўрсаткичларига қараганда, ўнчалик устунликка эга эмас. Хитойлик спортчилар профессионал теннисчилар қаторида 350-450 поғоналардан жой эгаллаган. Бироқ спортда ҳаттоки дақиқалар ҳам ҳал қилувчи бўлиши мумкин. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, хитойликлар жорий йил мавсумининг биринчи раундида япониялик теннисчиларга 0:5 ҳисобида ютқазиб қўйганди. Бу мағлубиятни хитойлик спортчилар мураббийси КЕЧА бўлиб ўтган матбуот анжуманида асосан техник сабабларни рўкач қилиб изоҳлади.

Ҳа, энг юқори поғона ҳали забт этилмаган. Гап шундаки, спортчиларимиз Дэвис Кубогининг юқори лигасига чиқиш борасида тўрт маротаба саралаш ўйинларида иштирок этишга эришиб, Австралия, Голландия, Испания ва Чехия жамоалари билан баҳс юритганди. Бугунги кунда, Чехиядан ташқари, қайд этилган учта давлат Дэвис Кубогининг жаҳон гуруҳидаги дунёнинг энг кучли жамоалари қаторига кирган. 16 та терма жамоа орасида МДҲ мамлакатларидан Россия ва белоруссиялик теннисчилар ҳам бор.

Ўзбекистонлик спортчилар галдаги ўйинда ютуқни қўлга киритса, шубҳасиз, минтақа биринчи гуруҳида қолади. Бу эса кейинчалик жаҳон гуруҳига ҳам чиқишга яхши имкониятдир.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ «POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ 2006 ЙИЛНИНГ 7,11,14,18,21,25,28 АПРЕЛЬ ВА 2,5,12,16,19,23,26,30 МАЙ ҲАМДА 2,6,9,13,16,20,23,27,30 ИЮНЬ КУНЛАРИ АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ**

**Савдоларга қуйидаги бино ва иншоот ҳамда автотранспорт воситалари қўйилади:**

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК Тошкент фуқаро иншоотлари ва сув таъминоти дистанциясига қарашли Миробод тумани, А.Фитрат кўчаси, 33/1-уйда жойлашган бинонинг сатҳи 116 кв.м.га тенг бўлган қисми. Бошланғич нархи 4 714 300 сўм.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Отчопар кўчаси, 60-уйда жойлашган, майдони 5 955 кв.м. бўлган «Тошқишлоқмаш» ОАЖга қарашли алюминий қуйиш цехининг бино ва иншоотлари. Бошланғич нархи 200 129 800 сўм.

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шарофобод кўчаси, 5-уйда жойлашган Ш.Рашидов номидаги Халқаро жамғармасининг 1991й. и/ч, д/р 10АХ 444 бўлган УАЗ 3303 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 709 676 сўм;

Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖнинг 1989й. и/ч, д/р 10AZ 040 бўлган ГАЗ 5312 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 919 600 сўм.

Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 45-уйда жойлашган "O'zbekyengilsanoat" ДАК Ишлар бошқармасининг 1995й. и/ч, д/р 10АК 210 бўлган ГАЗ 31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 1 666 000 сўм.

Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 45 «А»-уйда жойлашган Ўзб. Респ. Иқтисодиёт вазирлиги маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармасининг 1996й. и/ч, д/р 10AR 679 бўлган ГАЗ 31029 русумли а/в. Бошланғич нархи 2 710 956 сўм.

